Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 106 (4504).
13 МАЙ 1981 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ

МУСОБАҚА АСОСИДА

Ўзбекистон кар-соқовлар жамиятига қарашли 2-илмий ишлаб чиқариш корхонаси коллективи ишни ўзаро меҳнат беллашуви асосида йўлга қўйган. Бу эса меҳнатда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиш имконини бермоқда. Коллектив йил бошидан бери 1 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилди. Бу маррага анча барвақт эришилди.

Коллектив аъзолари ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йили тўрт ойлик топшириғини ҳам Чилонзор районидаги корхоналар орасида биринчилар қаторида муддатидан анча илгари ado этдилар.

Бу ерда иш жараёнларини такомиллаштириш, бажариладиган ишларни механизация зиммасига юклашга муҳим аҳамият берилмоқда. Шу туфайли ўқувчилар тобора ошиб бормоқда.

Шу кунларда корхона цехларида беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилди. Бунда Н. Шарофхўжаева, И. Муродхўжаева, А. Афанасьева, Н. Шеров сингари машъаллар ўнак бўлишяпти. Шундай машъаллаларнинг ғайрат-шижоати туфайли корхона коллективининг эришаётган ютуқлари тобора салмоқли бўлиб бораяпти.

ТОШКЕНТ 2000 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕНГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ИШЧИ РАЙОНИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Пойтахтнинг Ҳамза районида Тошкентнинг икки минг йиллик байрамига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди. Бу районни ҳақли равишда ишчи район деб аташади. Чунки шу ерда йирик саноат корхоналари жойлашган. Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Нажмиддинов шаҳар ташкилий комитетининг мажлисидаги нутқида таъкидлаб ўтганидек, шонли санага тайёргарлик кўришда районнинг ишлаб чиқариш базасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Корхоналарни реконструкция қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтириш шулар жумласидандир.

Кўчалар, магистраллар, турар жой массивларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ҳам катта ишлар бажарилади.

Ташкилий комитет мажлисида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов сўзга чиқдилар.

ЯНГИ МАССИВЛАР ҚАД КЎТАРАДИ

Республика пойтахтининг икки минг йиллик байрамига тайёргарлик бўйича шаҳар ташкилий комитетининг навбатдаги мажлисида ана шу юбилейга Ленин районида кўрилаётган тайёргарликнинг бориши тингланди.

Район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Чурсин мажлисдаги нутқида таъкидлаб ўтганидек шонли санага тайёргарлик бўйича белгиланган программада районни комплекс равишда қайта қуриш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилади.

Районда қатор янги турар жой массивлари пайдо бўлади, районнинг йирик магистрали — Космонавтлар проспектини осмонўпар турар жой бинолари безайди. Вокзалолди майдони тугалланган архитектура қиёфасини касб этади. «Қўйлиқ» микрорайонига ҳам катта эътибор берилади. Микрорайон ободонлаштирилади ва кўкаламзорлаштирилади.

Ташкилий комитет мажлисида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов сўзга чиқдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

ҚУРУВЧИЛАРГА — БАЙРОҚЛАР

Тошкент шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети «Москва» туристлар меҳмонхонаси қурилиши қатнашчиларини мукофотлаш учун кўчма Қизил байроқ таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

«Москва» меҳмонхонаси қурилишида план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажариб социалистик мусобақада ғолиб чиққан коллективларни ва қатнашчиларни Тошкент шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи, шунингдек минг сўм миқдорида пул мукофоти ва рангли телевизор билан мукофотлашга қарор қилинди.

Ноёб объектни бунёд этишда иштирок этаётган қурилиш ва монтаж ташкилотлари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг шартлари тасдиқланди.

Ҳар бир квартал иш якунлари бўйича меҳнат беллашувида ғолиб чиққанлар кўчма Қизил байроқ, пул мукофоти ва рангли телевизор билан, ҳар ой якуни бўйича эса фахрий ёрлиқ, раднола, туристик путевка билан мукофотланади.

Алоҳида ўрнак кўрсатган ишчиларга сотиш учун ҳар кварталда биттадан енгил машина ажратилади.

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини шараф билан адо этиш борасида баракали меҳнат қиляпти.

СУРАТДА: бирлашма муқовалаш цехининг илғор комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Е. Сапрунова ёш шогирди А. Дадабоева билан.

М. Нуриддинов фотоси.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

4-дон маҳсулотлари комбинати бир неча йилдан бери кетма-кет Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, кўчма Қизил Байроқни қўлда сақлаб келмоқда. Ўтган йили корхона номи СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди. Коллективнинг бу муваффақиятларида омухта ем ишлаб чиқарувчи илғор цех ишчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу цех ишчилари айниқса шу кунларда юксак унум билан меҳнат қилмоқдалар. Конвейердан ҳар куни 150—155 тонна маҳсулот тушириб олиниб, Сергели, «Рассвет». Новомихайловск бўрдоқичилик комплекслари ва бошқа хўжаликларга етказиб берилмоқда.

БУГУН

цех коллективининг йил бошидан бери чор-вадорларга етказиб берган маҳсулоти 20 минг тоннага етди. Шундан 700 тоннадан ортиғини коллектив планга қўшимча тайёрлади. Вақтдан ўзиб меҳнат қилаётган цех ишчилари бу йил жами 47 минг тонна маҳсулот тайёрлашга аҳд қилишган.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент агрегат заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Бу ерда қишлоқ меҳнаткашларининг буюртмаларини муддатидан илгари бажаришга айниқса муҳим эътибор бериляпти. Тракторлар ва селқаларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш юзасидан заводга кўшни Қозоғистон ва Туркманистон республикаларидан фахрли буюртмалар келган эди. Завод коллективи-қозоқ ва туркман дўстларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича ярим йиллик топшириқни муддатидан илгари шараф билан бажарди.

Корхонада кооперация йўли билан редукторлар етказиб бериш бўйича Ленинободдан ва Киевдан олинган буюртма ҳам адо этилди. Ҳар икки адресга редукторлар етказиб бериш бўйича ярим йиллик плани барвақт бажарилди.

Завод коллективи қишлоқ меҳнаткашлари олдидаги ўзларининг биродарлик бурчларини чуқур ҳис этиб, ҳар бир иш жойида социалистик мусобақани қўлоч ёйдирмоқдалар. Мусобақа туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш графигидан анча ўзиб меҳнат қилинмоқда. Йил бошидан бери пландан ташқари 90 минг сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди. Корхонада йиллик планни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигигача бажаришга аҳд қилган илғор коллективлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. С. Иброҳимов, Х. Шалимов сингари беш йиллик гвардиячилари бош бўлган бригадаларнинг азаматлари барчага намуна бўлишяпти.

• *Қурилиш майдонида*

АҲДГА ВАФО

Пойтахтимизнинг Муқимий кўчасида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти студентлари учун тўққиз қаватли ётоқхона биноси қурилмоқда. 221 ўринли бу ётоқхонани 153-қурилиш трести 39-бошқармасининг Александр Мальков бошлиқ бригадаси қурувчилари тикламоқдалар.

Александр Мальков бошлиқ комплекс бригада коллективи сурункасига бир неча йилдан бери квартал, йиллик планларни ошириб бажариб, объектларни «яхши» ва «аъло» баҳо билан фойдаланишга топширмоқдалар. Бригада «Коммунистик меҳнат коллективи» деган ном учун курашмоқда. Коллектив муваффақиятларида 3 разрядли ғишт терувчи Мирзоҳид Мусаев, 4 разрядли электр монтажчи Александр Тузлаев, бетончи Р. Шайхулина, 4 разрядли ғишт терувчи М. Муллапуровларнинг хизматлари каттадир. Улар ҳар доим ойлик ва квартал план-топшириқлар и н и 140—160 процентга етказиб адо этяптилар.

Қурувчилар сардори Александр Мальков 20 йилдан бери қурилишда ишлаб келмоқда. Шу йиллар мобайнида у кўпгина бинолар қурилишида фаол қатнашди. Унинг халол меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган.

Бинокорлар объектни графикда белгиланганидек 4 ой илгари, шу йилнинг июнь ойида фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

Ҳ. ИНОҒОМОВ, ишчи.

ПРОСПЕКТ ҚИЁФАСИ

Бугунги кунда пойтахтимиз марказидаги Узбекистон кўчаси бу ерда қад ростлаётган кўплаб ўн тўрт қаватли осмонўпар бинолар билан янада гўзаллашиб кенг проспектга айланиб бораяпти.

Проспектнинг Абай кўчаси билан кесишган чорраҳаси бурчагида қад ростлаётган «Узгипросельхоз» лойиҳалаш институтининг 14 қаватли муҳташам биноси Узбекистон кўчасидаги Кооператорлар уйи, ҳозир қурилиши олиб борилаётган Тошкент халқ хўжалиги институти ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг янги бинолари билан бирга ўн тўрт қаватли маъмурий бинолардан иборат ягона меъморчилик комплексини ташкил этмоқда.

Ҳозир институтнинг бу муҳташам биноси қурилишида Тошкент қурилиш Бош бошқармасига карашли махсус темирбетон қурилишлари бошқармасининг Мухтор Ҳабибуллаев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи юксак унум билан ишламоқда.

Комплекс зарбдор бригаданинг 45 кишилик коллективи объектнинг барча қаватларида оралиқ деворлар ўрнатиш, пардозчиларга иш фронти яратиш бўйича смена топшириқларини ошириб бажармоқда. Бригада бунёдкорлари ўтган тўрт ой мобайнида 240 минг сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди.

Объект қурилишида индустриал иш усуллари, заводда мармар копланиб, тайёр ҳолга келтирилган ташқи девор панеллари ва бошқа қулай бинокорлик материалларидан унумли фойдаланиляпти.

ЯНГИ БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

Тошкент қурилиш Бош бошқармасига карашли 6-трестнинг 70-бошқармаси бинокорлари пойтахтимизнинг Танасиқбоев массивидаги 2-микрорайонда янги болалар боғчаси қурилишини авж олдиришяпти.

Микрорайондаги янги уй-жой комплексларига кўчиб ўтаётган аҳолининг 320 фарзанди тарбияланадиган янги боғчани қурувчилар иккинчи кварталнинг охирига қадар фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

Ҳозир бу ерда колонналарни монтаж қилиш, оралиқ деворлар ўрнатиш ишлари олиб бориляпти. Объектда қурилиш ишлари икки сменада ташкил этилган. Бу қурилиш ишларини аниқ график бўйича ташкил этиш, иш миқёсларини мувофиқлаштириш имконини беряпти. Тез орада пардозчилар учун ҳам иш фронти яратиб берилади. Янги боғча массив аҳолиси фарзандларига ажойиб совға бўлади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитети «Москва шаҳридаги бир қанча корхоналар коллективларининг меҳнат, материал ва энергетика ресурсларини тежашни таъминлаш мақсадида фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсадида бошлаган ташаббуси тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

◆ Конго Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Раиси, Конго Халқ Республикасининг Президенти, Давлат бошлиғи, Министрлар Кенгашининг Раиси Дени Сассу-Нгессо КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Конго партия-давлат делегациясига бошчилик қилиб 12 май куни расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

◆ Учишни бошқариш маркази хабар беради: Владимир Коваленок билан Виктор Савиних Ер атрофи космик фазосида икки ойдан бери ишламоқдалар.

Кеча экипаж Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш ҳамда атроф-муҳитни ўрганиш кенг программасига мувофиқ ер қуруқлиги ва дунё океани акваториясининг айрим районларини визуал-инструментал кузатиш ва фотосуратга олишни давом эттирди.

ЮКСАК МАРРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Шаҳар умумий овқатланиш меҳнат чилари яқинда бўлиб ўтган байрам оқшомида ўтган беш йиллик якунларини чиқаришди, навбатдаги вазифаларни белгилашди.

Хизмат кўрсатишнинг ана шу соҳаси коллективлари ўнинчи беш йилликда яхши меҳнат қилишди. Товар оборoти плани муддатидан илгари бажарилиб, 16,6 миллион сўмлик пландан ташқари маҳсулот реализация қилинди. Товар оборoти беш йиллик бошланишидагига нисбатан 30,5 процент ёки 47 миллион сўмлик кўпайди. Уз маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича топшириқ, 102,9 процентга бажарилди. Эришилган барча муваффақиятларга умумий овқатланиш корхоналарининг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлиги, ишлаб чиқариш резервларидан омилкорлик билан фойдаланилганлиги, ошпазлар, қандолатчилар ва кулинарларнинг маҳорати оширилганлиги, хизмат кўрсатиш маданияти ўсганлиги туфайли эришилди.

Электрон-техника заводи қошидаги ошхонанинг иши энг яхши мактовга лойиқдир. Бу коллектив йил сайин социалистик мусобақада муваффақиятга эришяпти. Корхона ишчи ва хизматчилари тез ва тўйимли овқатлана оладилар. Бу уларнинг юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишларини таъминлаяпти. «Тоштекстильмаш», трактор, «Миконд» заводлари қошидаги ошхоналарда хизмат кўрсатиш формаси мунтазам такомиллаштириляпти.

Ўтган беш йилликда шаҳримизда гўшт, балиқ, ярим фабрикатлар, тозаланган картошка ишлаб чиқариш бўйича йирик корхоналар ташкил этилди. Бу — ресторанлар трести, Киров, Фрунзе, Собир Раҳимов ва Куйбишев ошхоналар трестларининг тайёрлов фабрикаларидир. Уларни жиҳозлаш учун замонавий юқори унумдор машина ва механизмлар ажратилган. Бундай корхоналарнинг барпо этилиши ошхоналарни маҳсулотлар билан марказлашган усулда таъминлаш, қўл меҳнатига чек қўйиш имконини берди. Агар ўнинчи беш йиллик бошланишида бор-йўғи тўққиз корхона ярим фабрикатлар билан комплекс таъминланган бўлса, хозир уларнинг сони 427тага етказилди.

Савдо-тайёрлов базаларини қуриш ва кенгайтириш, уларни янги техника билан жиҳозлаш хозирги беш йилликда ҳам давом эттириляпти. Базаларни индустриал усулда ишлашга ўтказиш 1985 йилнинг ўзида шаҳарнинг барча ошхоналарини ярим фабрикатлар билан таъминлашга имкон беради.

Беш йил ичида шаҳарда 17.400 ўринли умумий овқатланиш корхоналари, кулинария, қандолатчилик ва ун фабрикатлари сотиш бўйича қирқта магазин очиш кўзда тутилган. Айни пайтда саноат корхоналарининг коллективларига, ўқувчилар ва студентларга хизмат кўрсатишни яхшилашга асосий эътибор берилади.

Куйбишев районининг ўзида «Эталон», трактор, экскаватор заводлари, устки трикотаж фабрикасида янги ошхоналар қуриш белгиланган. «Лаззат», «Салом», «Автодор» кафелари реконструкция қилинади. Мактаб ошхоналарида абонемент системасига ўтиш тугалланади.

Шаҳар умумий овқатланиш корхоналарининг коллективлари ўн биринчи беш йиллик учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул этишди. Уларнинг амалга оширилиши КПСС XXVI съезди хизмат кўрсатиш соҳаси олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

А. ҲАТАМОВ.

«Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективларида республикамиз ўн беш нафар донгдор ишчисининг ташаббуси кенг муҳокама этилмоқда. Р. Соатов, В. Столбов каби ишлаб чиқариш илғорлари ана шу ташаббусни биринчилар қатори қўллаб-қувватлаб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари ado этишга қарор қилдилар.

СУРАТДА: «Автосервис» техника хизматининг бош станцияси — бирлашманинг юксак даражада механизациялашган станцияларидан бири.

Г. Григорьев фотоси, (ЎзТАГ).

Маданият янгилиги

АГИТБРИГАДАЛАР КЎРИГИ

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳри ва пойтахт областининг кўпгина корхоналарида агитбригадалар муваффақиятли ишлаб турибди. Бу коллективлар ўзининг жозибали чиқишлари билан томошабинларни мамнун этмоқда.

Куни кеча СССР 50 йиллиги номли трактор заводининг маданият саройида бўлиб ўтган область агитбригадалари кўригида улларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш мумкин бўлди. Ҳар бир коллектив ранг-баранг чиқишлари билан ўз корхонасининг меҳнат фаолиятини ва маданий ҳаётини атрофлича кўрсатишга ҳаракат қилди. Область кўригининг жюриси ижрочилик маҳоратининг тўлаконлиги учун «Полиграфист овози» агитбригада с н и н и н г «Тўрттала саҳифа» деб аталган музикали агитацион программаси учун биринчи ўринни берди. Унда матбаачиларнинг меҳнати ва ҳаёти тасвирланган.

Ангрен шаҳридаги «Мастерок» агитбригадаси иккинчи ўринни олишга муяссар бўлди. Тошкентдаги электронтехника заводининг «Полупроводник» коллективига ҳам ана шундай мукофот муяссар бўлди. Трактор заводининг «Биз тракторсозлармиз» ва Чирчиқ шаҳридаги «Химик» агитбригадалари учинчи ўринни олдилар.

Ғ. РАЗЗОҚОВ.

БОЛАЛАР УЧУН КИТОБЛАР

Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимизда ёш китобхонлар учун СССР халқларининг 58 тилида ўн миллиард китоб нашр этилди. СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети болалар адабиёти кенгашининг 12 май куни Тошкентда очилган IX мажлиси болалар адабиёти ва КПСС XXVI съезднинг қарорлари асосида ёш авлодни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш вазифаларига бағишланди. Мажлисда барча қардош республикаларнинг вакиллари — нашриётларнинг ходимлари, ёзувчилар, рассомлар иштирок этмоқдалар.

СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети республика область нашриётлари бош бошқармасининг бошлиғи М. В. Шишигин қилган доклада ва нутқида болалар учун чиқаётган китобларнинг кўпаяётганлигини кўрсатувчи рақамлар тилга олинди. Бундай китоблар ҳозирги вақтда совет нашриётлари босмадан чиқараётган китоблар жами ҳажмининг 42 процентидан кўпроғини ташкил этади. Республика нашриётлари кўпгина қизиқарли ташаббусларни бошладилар. Россия нашриёти тайёрлаган «Ленин ҳаёти» ўн томлик туркуми ёшларнинг эўр муҳаббатига сазовор бўлди. Украина ва Молдавия нашриётлари болалар учун чиқарган чиройли китоблар революциянинг чинакам йилномасига айланди. Улуғ Ватан уруши тўғрисида, фронт ва яшириН иш қаҳрамонлари ҳақида ёзилган ва Белоруссияда нашр этилган китоблар ўқувчиларнинг севимли асарлари бўлиб қолди.

Мажлис қатнашчилари қардош республикалар нашриётларининг резервлари тўғрисида гапирдилар. Ана шу резервлардан тўла фойдаланиш ёш китобхонлар учун чиқарилаётган нашрлар сонини кўпайтиришгина эмас, шу билан бирга бу нашрларни полиграфия жиҳатидан юксак савияда чиқариш имконини ҳам беради.

Ҳар бир китоб ҳаёт йўлига қадам қўяётган кишининг чинакам дўсти бўлиши, унга билим бериши, адолатни, меҳнатсеварликни, мардликни, барча халқлар билан дўст бўлиб тинчликда яшаш иштиёкини ўргатиши лозим. (ЎзТАГ).

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД КЎРСАТИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига 115-Тошкент-Ленин сайлов округида 31 май куни СССР Олий Советига сайлов ўтказиш белгиланди.

12 май куни Тошкентдаги лак-бўёқ заводида ана шу округдан мамлакат давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари СССР химия саноати министри Владимир Владимирович Листовни якдиллик билан депутатликка номзод қилиб кўрсатдилар.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: СЪЕЗД ҒОЯЛАРИ — ОММАҒА!

ЖАНҒОВАР ПРОГРАММА—АМАЛДА

Шонли партиямиз XXVI съезди тузиб берган жанговар ҳаракат программаси бутун мамлакатимиздаги синфий кучлар, пойтахтимиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари, барча муассасаларда муваффақиятли амалга ошмоқда. Съезд ўтгандан буён қисқа вақт ичида мисли кўрилмаган меҳнат ва сиёсий активлик авж олди. Қуйида сўз — етакчи корхоналар партия комитетлари секретарларининг ўринбосарларига.

ТАШКИЛИЙ-СИЁСИЙ ИШ ТАЖРИБАЛАРИ АСОСИДА

Н. БЕЛОЗЕРОВ,
Тошкент трактор заводи партия комитети секретарининг ўринбосари.

— Корхонамиз коллективи «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари», съезд қарорлари ва материаллари билан чуқур ва атрофлича танишмоқда. Айниқса, Асосий йўналишларда Ўзбекистон ССРнинг ўн биринчи беш йиллиқдаги режалари белгилаб берилган қисмида: «Тошкент трактор заводида ...қувватлар фойдаланишга топширилсин... Пахта йилига ўрта ҳисобда камида 5,9 миллион тонна, шу жумладан ингичка толали пахта — 400—420 минг тонна миқдорида етиштирилиши таъминлансин» деб қўйилган вазифа бевосита бизнинг коллективимиз зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди. Барча цехларнинг меҳнат коллективларида съезд қарорлари қизғин муҳокамаси чоғида ана шу марраларга эришиш учун коллектив нималар қилиши зарурлиги конкрет белгилаб олинди. Ҳар бир участка, бригада, сменада ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва ишга солиш, ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари ойдин аниқланди.

Маълумки, партиямиз XXVI съездига тайёргарлик даврида корхонамиз партия комитети ўз ташкилотчилик ва сиёсий ишларини кучайтирди. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги» қарори асосида ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг ўзига хос тажрибаси тўпланди. Ана ўша пайтда коллектив ўртасида янги ташаббуслар пайдо бўлди. Масалан, Владимир Иванович Барамошкин етакчилик қилаётган 31-цех партия ташкилоти ҳисобидаги ҳамда 2-цехнинг темирчи-штамповначилар бригадаси коммунистлари етакчилигида съезд очиладиган кунгача шу йилнинг икки ойлик топшириғини бажариш ташаббуси туғилди. Бу ташаббусни саккиз цех, 75 участка, 142 бригада, 1550 дан зиёд ишчилар қўллаб-қувватлади. Натижа эса чакки бўлгани йўқ. Юзлаб агитаторларнинг, сиёсий ахборотчилар ва пропагандистларнинг активи сиёсий-тарбиявий иш олиб боришлари, иш форма ва усулларини такомиллаштиришлари натижасида кўнгилдагидек ютуқларга эришилди. Тошкент шаҳар партия комитети бюроси заводимиз партия комитетининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари тажрибасини маъқуллаб, қарор қабул қилди. Бу қарор зиммамизга янада кўпроқ масъулият юклайди.

Агар коллективимиз съезд очилиши кунигача юзлаб қудратли «МТЗ—80Х» тракторларини қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига етказиб берган бўлса, съезд йилида меҳнат унумдорлигини ўстириш топширигини 5 процент ошириб бажариш, йил охиригача жами ишчиларнинг 42 процентини меҳнатнинг бригада усулига ўтказиш, планга қўшимча 1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олган. Биринчи квартал якунига кўра мамлакат тўртдош корхоналари ўртасидаги мусобақада коллективимиз 1-ўринни эгаллади.

Шу кунларда бутун эътибор оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни съезд талаблари даражасига кўтаришга қаратилмоқда. Виктор Пантелеймонович Сотников етакчилик қилаётган 7-цех ва Александр Васильевич Андрюшин бошчилик қилаётган 3-цех партия ташкилотлари иши диққатга сазовордир. Уларда айниқса кўргазмали агитация яхши йўлга қўйилган. «Чақмоқ»лар мунтазам чиқиб турибди. Цех партия ташкилотлари коммунистларга кенг ва оператив ахборотлар беришяпти. Бу ахборотлар, съездда таъкидлаб ўтилганидек, жамоат фикрини эътиборга олиб, бригада, участка ва сменалардаги ишнинг аҳволини янада яхшилашга ёрдам берадиган қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига етказиб берган бўлса, съезд йилида меҳнат унумдорлигини ўстириш топширигини 5 процент ошириб бажариш, йил охиригача жами ишчиларнинг 42 процентини меҳнатнинг бригада усулига ўтказиш, планга қўшимча 1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олган. Биринчи квартал якунига кўра мамлакат тўртдош корхоналари ўртасидаги мусобақада коллективимиз 1-ўринни эгаллади.

Шу кунларда бутун эътибор оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни съезд талаблари даражасига кўтаришга қаратилмоқда. Виктор Пантелеймонович Сотников етакчилик қилаётган 7-цех ва Александр Васильевич Андрюшин бошчилик қилаётган 3-цех партия ташкилотлари иши диққатга сазовордир. Уларда айниқса кўргазмали агитация яхши йўлга қўйилган. «Чақмоқ»лар мунтазам чиқиб турибди. Цех партия ташкилотлари коммунистларга кенг ва оператив ахборотлар беришяпти. Бу ахборотлар, съездда таъкидлаб ўтилганидек, жамоат фикрини эътиборга олиб, бригада, участка ва сменалардаги ишнинг аҳволини янада яхшилашга ёрдам берадиган қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига етказиб берган бўлса, съезд йилида меҳнат унумдорлигини ўстириш топширигини 5 процент ошириб бажариш, йил охиригача жами ишчиларнинг 42 процентини меҳнатнинг бригада усулига ўтказиш, планга қўшимча 1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олган. Биринчи квартал якунига кўра мамлакат тўртдош корхоналари ўртасидаги мусобақада коллективимиз 1-ўринни эгаллади ва социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Бутун коллективимиз ўнинчи беш йилликдаги зафарлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олган ва Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасининг «Ҳурмат тахтаси»га ёзилган экан, ана шу ишончли оқлаш, ўн биринчи беш йиллиқда янгидан-янги зафарларга эришиш учун астойдил курашаверади. Партия комитети эса ўзининг бутун ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларини ана шу олижаноб мақсадга қаратмоқда.

ҲАМИША ЕТАКЧИ

С. НОСОВЕЦ,
«Ташсельмаш» заводи партия комитети секретарининг ўринбосари.

— Съезд қарорлари ва материаллари билан радио-телевидение воситасида ёки газета саҳифаларида таниниш бошқа-ю, бевосита мамлакатимиз коммунистларининг анжуманида иштирок этган вакилимизнинг жонли ҳикояси орқали таниншнинг завқи бошқача бўларкан! Ҳа, биз чексиз фахрланамиз: 15-цехимизнинг ярим автоматчи-токари, III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Юрий Иванович Степаненко шонли партиямиз съездида қатнашиш шарафига муяссар бўлди. У коллективимизга съездан олган бой таассуротларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ва бошқа нотиқларнинг доклад ва нутқлари моҳияти ва мазмунини бевосита коллективимиз олдида турган вазифалар билан жонли, қизиқарли қилиб боғлаб, ҳикоя қилиб берди. Албатта, биргина учрашувда съезднинг жуда катта иш программаси ҳақида сўзлаб бериш қийин. Аммо, шуниси характерлики, ҳар бир ишчи-хизматчи съезд қарорлари моҳиятидан келиб чиқадиган вазифаларни ойдин тушуниб олди.

Мен гапни КПСС XXVI съезди делегати билан учрашувдан бошлаганимнинг сабаби шуки, биз ишчи коллективлари билан агитатор, сиёсий ахборотчи, пропагандистлар суҳбатини ишчанлик руҳидаги, амалий суҳбатга айлантиришга интиляпмиз. Чунки съезд қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришни ҳар йили ўрта ҳисобда 9,2—9,3 миллион тоннага етказиш, толанинг сифатини яхшилаш вазифасини қўйган экан, бу режани муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан бизнинг коллективимиз ғайратшижоатига боғлиқдир. Негаки, бизнинг корхонамиз Совет Иттифоқидаги пахта териш машиналарини ишлаб чиқадиган ягона корхона ҳисобланади!

Шуни ҳисобга олиб, машиналаримизни такомиллаштирямиз, уларни кўплаб миқдорда тайёрлашга интиляпмиз. Янги «ХНП—1,8» терим агрегати давлат Сифат белгисини олган.

Янги механизациялашган линиялар ишга тушяпти. Энг қувончлиси, маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси корхонамизда муваффақиятли амалга оширилди. Барча тадбирларда коммунистлар бош-қош бўлмоқдалар.

Биргина мисол келтириб ўтмоқчиман. 3-цехимиз партия ташкилотига коммунист Баҳром Дадамуҳамедов бошчилик қилади. Цех коллективи «КПСС XXVI съезди номидаги коллектив» деган фахрли ном берилди! Ёки КПСС XXVI съезди делегати Юрий Степаненко, созловчи, бригадир Ольга Карпова сингари меҳнат зарбдорлари ҳам юксак ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар. Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг делегати Маҳмуд Мўйдинов ўнлар ташаббусини бошлаб берганлардан бири эди. У меҳнатда эришган ютуқлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Бутун коллективимиз ўнинчи беш йилликдаги зафарлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олган ва Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасининг «Ҳурмат тахтаси»га ёзилган экан, ана шу ишончли оқлаш, ўн биринчи беш йиллиқда янгидан-янги зафарларга эришиш учун астойдил курашаверади. Партия комитети эса ўзининг бутун ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларини ана шу олижаноб мақсадга қаратмоқда.

● Беш йиллик илғорлари

ҒАЙРАТГА-ҒАЙРАТ ҚЎШИБ

Завод дарвозасидан кириб келаётган ёшларанг йигит-қизлар ўрта бўйли, басавлат, қорамағиз ранг, истараси иссиқ бир кишига ҳурмат билан салом бериб ўтишаяпти. Ҳа, Тошкент заргарлик заводида уни каттаданкичик танийди, ҳурмат қилади. Коммунистик меҳнат зарбдори Одил ака Орипов ўзининг ҳалол меҳнати билан коллектив ҳурматини қозониб келаётганлардан биридир.

Унинг заргарлик касбини эгаллаганига салкам йигирма йил бўлди. Совет Армияси сафида хизмат бурчини ўтаб қайтгач, ҳунар-техника билим юртида заргарлик касбини ўрганди ва заводга ишга йўлланма олди. Одил ишга келган дастлабки кунларида завод кичик, меҳнат шароити оғир, техника жиҳатидан такомиллашмаган, ўрта миёна бир устахона эди. Йиллар ўтиб устахона ўрнида катта бир завод бунёдга келди. Шу йиллар давомида Одил ака ҳам худди устахона каби улғайди. Катта маҳоратга, тажрибага эга бўлди. «Уста» деб аталмиш заргарлар сафидан ўрин олди.

— Албатта, заргарлик ҳунарининг сирларини эгаллаш осон бўлмади,— деб эслайди Одил ака Орипов. — Маълумки, заргарлик касби ниҳоятда нозик ва машаққатли касб. Фақат унга қизиқиш лозим. Киши ниҳоятда сабр-тоқатли бўлиши керак. Мен ҳам дастлабки пайтларни қийинчиликларга дуч келдим. Шундай дамларда уста мураббийлар менга далда беришди. Ишга бўлган меҳримни кучайтирди. Натижада ишдан кейин қолиб ҳам ишлашга, маҳоратимни ошириш-га интилдим...

Ҳа, Одил аканинг тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги зое кетгани йўқ. У самарали меҳнати учун «Асбобсозлик аълочиси» деган нишон билан мукофотланди. Ҳозир знрак участкасидаги бригадага етакчилик қилмоқда. У бошқараётган коллектив меҳнат белашувида пешқадамлик қилиб, «Коммунистик меҳнат бригадаси», «Юқори маданиятли ишлаб чиқариш коллективи» деган шарафли номларга сазовор бўлди.

— Коллективимиз ўзаро аҳил, ҳамжиҳат. Бир-бирига ҳар қандай вазиятда ҳам ёрдам беради. Иш вақтидан ҳам унумли фойдаланяпмиз. Олган мажбуриятларимиз г а масъулият ҳиссини ошириб меҳнат қиляпмиз, — дейди бригадир. — Мана шуларнинг ҳаммаси ютуқларимиз омили бўляпти.

Коллектив доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан қарши олди. Улар тўрт ойлик планни бу шонли санагача бажаришиб, планга қўшимча бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот беришди.

Шу кунларда заргарлар зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, зиммадаги социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бригада вақтдан—графикдан ўзган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса, бригадирнинг ўзи эса 1985 йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қиляпти. У яқинда бир беш йиллиқда икки беш йиллик планни бажариш бўйича «Ўн бешлар ташаббуси»га қўшилди. Биз ишонамизки, бригада ҳам, бригадир ҳам белгилаб олган юксак зафарларни сўзсиз кўчадилар. Чунки бугунги кундаги заргардорона меҳнати ана шундан далолат бериб турибди.

К. ОТАМУҲАМЕДОВ.

Тошкентдаги экспериментал миллий чолғу асбоблари фабрикаси Ўрта Осиёдаги шу хилдаги ягона корхонадир. Бу ерда 32 хил буюм тайёрланади, шундан тўрт хилига давлат Сифат белгиси берилган.

СУРАТДА: торларни тортиш ва жойлаш участкаси. Бу ерда тор тортувчи Клара Солиҳова ва назоратчи Муҳайё Ғаниева каби илғорлар меҳнат қилишади; Зокир Мирзаев чолғу асбобларининг энг яхши йиғувчиси саналади.

А. Ванштейн фотоси, (УзТАГ).

Мукофот муборак!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ДАВЛАТ САВДОСИ БИРЛАШМАЛАРИ, ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Чакана товар оборотини ривожлантириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш бўйича ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун **мукофотлансин:**

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Замонбеков Рихсибек Олимбекович — «Ташхозкультторг» 10-магазини филиалининг мудири.

Зухурова Соҳиба Хўжаевна — Ленин район ошхоналар трести 3-ошхонасининг кандолатчиси.

Исматов Ҳикматулла — «Ўздорресторан» трести аэровокзал ресторанининг ошпази.

Исҳокова Мамлакат — «Ташобл торг» 11-магазининг катта сотувчиси.

Калонов Тўлаган — Тошкент шаҳар «Шуҳрат» магазинининг катта сотувчиси.

Кривовяз Михаил Абрамович—«Ташплодоовошч» бирлашмасининг бўлим бошлиғи.

Лаврова Валентина Ивановна—Акмал Икромов район ошхоналар трести 4-ошхонасининг ошпази.

Лутфуллаев Бахтиёр Каримович — Куйбишев район ошхоналар трести 4-ошхонасининг бош ошпази.

Мирзаева Анвара Файзирақмоновна — «Ташгосснабторг» 3-магазинининг мудири.

Миркомилов Мирсобир Миркодирович— халқ депутатлари Чилонзор район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Норметов Жаҳон—«Ташплодоовошч» бирлашмаси 6-омборининг ишчиси.

Нуждина Зинаида Петровна — Ҳамза район ошхоналар трести 9-ошхонасининг ошпази.

Осмонов Худойберган — «Ташобувьторг» 23-магазининнинг секция мудири.

Пўлатов Абдуманноп — Собир Раҳимов район ошхоналар трести 5-ошхонасининг бош ошпази.

Ражабова Тўхта Носировна — Куйбишев район ошхоналар трести 33-ошхонасининг ошпази.

Раҳимова Ильдуза Хумушевна — Киров район ошхоналар трести директорининг ўринбосари.

Раҳимҳўжаева Саодат — «Ташгалантерейторг» 69-магазинининг катта сотувчиси.

Раҳмонова Мушарраф — «Ташхлебторг» 2-магазининнинг сотувчиси.

Раҳматуллаев Неъмат — Ленин район озиқ-овқат савдоси бўлими 7-магазинининг катта сотувчиси.

Саидова Насиба Раҳматовна — Тошкент Бош универсал магазинининг катта сотувчиси.

Сайфуддинова Мунира Сирожиддиновна — Фрунзе савдо марказининг катта сотувчиси.

Саломах Эдуард Дмитриевич — Фрунзе район ошхоналар трести 9-ошхонасининг ошпази.

Сатторов Воҳид — «Таштекстильшвейторг» 10-магазинининг катта сотувчиси.

Талалаева Любовь Петровна — «Чилонзор» савдо марказининг секция мудири.

Туренко Зоя Семеновна — Ўзбекистон ССР халқ контроли Комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

Умарова Маъмура Алимовна — Фрунзе район ошхоналар трести 11-ошхонасининг ошпази.

Файзибоева Раъно Ғафуровна — Киров район озиқ-овқат савдоси бўлими 16-магазинининг мудири.

Федотова Екатерина Григорьевна — Сергели район ошхоналар трести 5-ошхонасининг кандолатчиси.

Фомин Валерий Алексеевич — «Узторгреклама» комбинатининг бош энергетиги.

Хачина Галина Григорьевна — Акмал Икромов район озиқ-овқат савдоси бўлими 14-магазинининг бўлим мудири.

Черченко Александра Лаврентьевна — «Болалар дунёси» Тошкент универмагининг секция мудири.

Шокиров Ҳусанхон Маннопович — Тошкент ресторанлар трести «Гулистон» ресторанининг ошпази.

Шухмина Галина Павловна — Ленин район ошхоналар трестининг бўлим бошлиғи.

Юлдошева Маҳбуба — Куйбишев район озиқ-овқат савдоси бўлими 5-магазинининг катта сотувчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил, 13 апрель.

БИРЛАШМАНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районида шу кунларда «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги биноси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Замонавий техника воситаларини яратиш ва ишлаб чиқариш бўйича техника тараққиётини жадаллатиш имконини берадиган бу корхонанинг янги комплекси қурилишини Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 6-трестнинг 33 ва 47-қурилиш бошқармалари коллективлари амалга оширишмоқда.

33-қурилиш бошқармасининг меҳнат коллективлари объектга иссиқлик трассаси келтириш ишини тугалламоқда. Сайқал бериш ишларини 47-қурилиш бошқармасининг В. Мельниченко бошлиқ пардозчилари бажаряпти.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

БУДАПЕШТ. Венгрияда энг йирик бўлган Дебрецен шаҳридаги шариконподшипниклар заводи реконструкция қилинганидан кейин маҳсулот ҳажми ва унинг тури қариб икки баравар кўпаяди. Корхонани қайта жиҳозлаш Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан амалга оширилди.

Реконструкция қилингандан кейин завод Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар нинг корхоналари ўртасида подшипниклар ишлаб чиқариш соҳасида етакчи ўрнини эгаллайди ва социалистик иқтисодий интеграция программасини амалга ошириш ишига анча ҳисса қўшади, деди ТАСС мухбирига завод директори Л. Фиак. Заводимизни Совет-Венгрия дўстлиги корхонаси деб атагانликлари бежиз эмас. Биз заводни қайта қуришда Москвадаги давлат подшипниклар заводига қизғин миннатдорчилик изҳор этамиз.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

СОФИЯ. Болгарияда табиатни муҳофаза қилиш анъанавий ойлиги бошланди. Шу баҳор кунларида мамлакат аҳолисидан минг-минглаб кишилар шаҳар ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, янги ўрмон массивларини барпо этишда қатнашади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш БХРда умумхалқ иши бўлиб қолди. Ҳамма округларда табиатни муҳофаза қилиш комитетлари ишлаб турибди. Касаба союзлари, комсомол, бошқа жамоат ташкилотлари бу комитетларга амалий ёрдам бермоқдалар. Давлат табиатни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан турли тадбирларни ўтказиш учун кўплаб маблағ ажратмоқда.

ШАКАРҚАМИШ ЎРИМИ

ГАВАНА, 1981 — 1985 йилларга мўлжалланган янги беш йиллиқда дастлабки шакарқамиш ўрими Кубада якунловчи босқичга қадам қўйди. Республиканинг шарқидаги бир қанча вилоятлар шакарқамишни ўриб олиш ва қайта ишлаш план топшириқларини бажарганликлари тўғрисида ҳозирдаёқ рапорт бердилар, бошқа районларда эса бу кампания ниҳоясига етай деб қолди.

Бу йилги мавсум Кубада шакарқамиш ўришни амалга ошириш тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Меҳнаткашлар Куба Компартияси ва ҳукуматининг бу экин ўрим-йиғим даврини энг самарали даврга айлантириш ҳақидаги даъватини қўллаб-қувватлаб бу муҳим кампанияни қисқа муддатларда ва нобудгарчиликка йўл қўймай ўтказдилар.

Иккита янги қанд заводининг ишга туширилганлиги, шакарқамиш ўрадиган қўшимча бригадаларнинг ва қандни қайта ишлайдиган завод ишчиларининг, ташкил этилганлиги ҳам бу муваффақиятга ёрдам берди. Моддий рағбатлантириш принципи ўтган йилларгагига нисбатан кенг қўлланилди.

Бу йилги шакарқамиш ўрими тажрибаси, деб таъкидлайди Куба матбуоти, келгусида батафсил ўрганишга ва кенг оммалаштиришга сазовордир.

ҲИНДИСТОН КАЛЕЙДОСКОПИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг олти штатида мамлакат тарихида энг қаттиқ қурғоқчилик давом этмоқда. Жазирама офтоб 22 миллион гектардан кўп ернинг ҳосилини қуритиб юборди. Қариб 85 миллион деҳқон кулфатда қолди, деди мамлакат парламентида Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги министри Рао Бирендра Сингх.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон савдо министри Пранаб Мукержи парламентда гапириб бултурги молия йилида Ҳиндистон молларининг экспорти 71 миллиард рупиядан ортди, деди. Шу даврнинг ичида Ҳиндистон машинасозлик корхоналари маҳсулотини чет мамлакатларга сотиш сезиларли даражада кўпайди.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистонда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш олтинчи беш йиллик плани мобайнида (1980—1983 йиллар) қазиладиган кўмирни 50 миллион тоннадан зиёд кўпайтириш мўлжалланади. Энергетика ва ирригация министри Ганихон Чоудхури бу ерда шу гапни айтди. Шу даврнинг ичида ишлаб турган шахта ва карьерларни янгилаш, кўмир қазиш саноатининг янги корхоналарини қуришга давлат 30 миллиард рупия ажратишини маълум қилди.

Кўмир — Ҳиндистоннинг асосий энергия хом ашёсидир. Кейинги 25 йил ичида мамлакатда кўмир қазиб чиқариш уч баравар кўпайди. 1980—1981 молия йилида қазиладиган кўмирни 113 миллион тоннага етказиш мўлжалланади. СССР билан ҳамкорлик миллий экономиканинг шу тармоғини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Совет Иттифоқининг ёрдами билан Ҳиндистонда ўнга яқин кучли объект қурилди, қурилмоқда, реконструкция қилинмоқда ва лойиҳаланмоқда. Икки мамлакат ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик қилиш тўғрисида яқинда имзоланган битимда кўмир қазиш саноатидаги самарали алоқаларни тағин ҳам кенгайтириш кўзда тутилган.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Мадхия-Прадеш штатида давлатнинг 24 мингга яқин «адолатли нарх-наво магазинлари» бор. Олтинчи беш йиллик (1980—1985 йиллар) яна 9 мингга шундай магазин очиш мўлжалланади. Бу магазинларда дон, қанд, ўсимлик мойи, керосин, газлама каби энг зарур моллар қатъий нархлар билан сотилади, деб хабар қилади «Нэшнл Геральд» газетаси.

Ҳозир Ҳиндистонда 260 мингта «адолатли нарх-наво магазинлари» бор. Бундай магазинларни кўпайтириш ҳукуматнинг кенг халқ оммаси аҳволини яхшилаш борасида белгиланган тадбирлари программасининг муҳим йўналишидир.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳозирги вақтда ҳиндлардан 10 миллионга яқин киши тўқувчи ҳунармандлдир. Давлат миллий экономиканинг шу анъанавий тармоғини ривожлантиришга доимо эътибор бериб келмоқда. Шу беш йиллик планда (1980— 1985 йиллар) давлат банкларининг тармоқлари орқали тўқувчиларга бериладиган молиявий ёрдамиқ анча кўпайтириш, уларни ҳом ашё билан таъминлашни яхшилаш, тайёр маҳсулотни сотиш системасини такомиллаштириш ва бошқа ишлар кўзда тутилади. Белгиланган тадбирлар амалга оширилиши туфайли беш йиллик охирига борганда ҳунарманд тўқимачилар устахоналари миллионлаб метр ҳар хил газлама шойи бериб, Ҳиндистон аҳолисининг шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини учдан бир ҳисса таъминлайди.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати сунъий ўғит ишлаб чиқарадиган ўнта завод қуришга қарор қилди. Совет мутахассисларининг ёрдами билан Камбей кўрфази районида очилган конлардан олинадиган табиий газ шу корхоналарда ҳом ашё сифатида ишлатилади. Нефть, химия саноати ва ўғит ишлаб чиқариш министри П. Ч. Сетхи Панжоб штатининг Лудхиана шаҳрида журналистларга шуни маълум қилди.



● ОБЪЕКТИВДА—ВЕНГРИЯ.

СУРАТДА: Будапештнинг Дунай дарёси Буда соҳилидаги кўриниши ва Маргит ороли манзараси. МТИ—ТАСС фотоси.

●

2 ТОШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

13 МАЙ, 1981 й.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«БОШҚА МАЙДОН ИЗЛАНГ»

Шу сарлавҳа остида босилган материалда шаҳардаги баъзи аптекаларда беморларга дуруст-қурус йўл-йўриқ кўрсатилмай, дориларнинг йўқлиги қўпол шаклда маълум қилиниши кўрсатилган эди.

Шаҳар дорихоналар бошқармасидан йўлланган жавобда бу масала эътиборга олинганлиги ва зарур чоралар белгиланганлиги хабар этилди. Аҳолини дори-дармонлар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида аптекалардаги запас доимо назорат қилиб турилиши лозимлиги, шунингдек, аптекалардаги справка столларининг ишини яхшилаш тадбирлари кўрилди. Барча поликлиникаларга аптекалардаги мавжуд дорилар рўйхати осиб қўйилди.

Дорихоналар бошқармаси аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш ишини бундан буён ҳам такомиллаштириб боради.

«Ю Л Ғ И Ч»

Шу сарлавҳа остида босилган материалда «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 510-устахонасидаги нуқсонлар таҳлил қилинган эди. Жумладан унда пойафзал ремонти билан шуғулланаётган М. Рафанлов ва С. Бобобековларнинг ноўрин ишлари кўрсатилган эди.

Бирлашмадан олинган жавобда бу материал ремонт устахоналари коллективлари ўртасида муҳокама этилганлиги маълум қилинади. Усталардан М. Рафанлов ҳамда С. Бобобековларга виговор эълон қилинган ва улар бошқа устахонага кўчирилган. Уларнинг ўрнига малакали усталар қўйилди.

«МАССИВДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР»

ТошДУ — ТошПИ массивида уйлар яхши ишитилмаганлиги ҳақидаги материал юқоридаги сарлавҳа остида босилган эди.

Шаҳар уй-жой бошқармасидан олинган жавобда ишитиш системасидаги механизмлар регулировка қилиниб, нормал ҳолга келтирилганлиги маълум қилинган. Бу иш ёз мавсуми давомида ҳам олиб борилади, бинобарин ишитиш системаси нормал ишлайдиган бўлади.

Мирмуҳсин

ШУКРУЛЛО

ҚУТЛУҒ ЁШИНГ МУБОРАК!

Ёзувчиларнинг ижодий ютуқлари ҳақида гап кетганда бунга асосий сабаб қилиб аксарият меҳнаткашлик деб таъбир берилади. Аммо ўша меҳнатга муҳаббат қандай пайдо бўлади? — дегудек бўлсак, кўпинча бу илҳомга боғлиқ деган жавобни эшитамиз. Ҳақиқатан ҳам ёзувчининг ижод қилиши илҳом келишига боғлиқ бўлса. Мирмуҳсинни таниганимга қирқ йилдан ошибдики, уни бир кун бе-меҳнат яшаганини билмайман. Янги-янги асарлари босилмаган йилни эслай олмайман.

Менинг назаримда Мирмуҳсин айримлардек илҳомни бамайлихотир кутиб ётмасдан, ўз меҳнати, талабчанлиги билан уни чақириб олган ёзувчи.

Мирмуҳсинни танибманки, у «меҳнатдан одам ҳеч маҳал ўлган эмас» деган халқнинг сўзига амал қилиб келади. Ўзи айтишича, шу вақтгача унинг ўзбек ва бошқа тилларда 200 га яқин китоби босилиб чиққан. Бу ўзи бўлмайди, бу ҳам меҳнаткашлигининг самараси.

Мирмуҳсин ниҳоятда ўз кучига ишонган, ўзига талабчан адиб.

Унинг меҳнаткашлиги, ижод қилишининг сири сухбатларимиздан бирида яна ҳам аниқланди. Унга ҳазиллашиб, тенгдошларимиз ичида энг самарали ижод қилган сен, халқка танилдинг, энди бу ёғига ялло қилиб умр ўтказсанг ҳам номинг қолаберади, — деган эдим, ўйланиб қолди. Ҳар бир нарсага жиддий қараш одати бўлгани учунми, юзлари қизариб, кўз ойнагини олиб, оғайнижон, танилиш бошқа, тан олиниш бошқа! Бир-иккита кичик асар ёзиб мақтов олиб бизники бўлди, элга танилдим деб, керилиб, ўзидан кейин арзигулик бирор мерос қолдирмай, кейинчалик тан олинмай қолган ижодкорлар ҳам бор. Танилиш, вақтинча донг чиқариш бошқа, мерос қолдириб тан олиниш бошқа, — деган фикрни айтди.

Мирмуҳсин айтгандек, танилиш, ном чиқариш менимча ончалик қийин эмас. Чавандозлик қилиб ҳам одамлар қадимда донг тарата олган. Аммо қўлга қалам олиб, икки жумлани бир-бирига қойил қилиб қовуштириб «боплабди» деган халқнинг таҳсинига лойиқ бўлиш, унинг қалбига ўз ижоди билан қараб бориб, тан олиниш ҳамма ижодкорга ҳам насиб бўлавермайди. Лангар чўпини ушлаган ҳамма ҳам дорбоз бўлавермайди. Унинг санъати, кўрганингда юракни ҳовучлатадиган маҳорат билан чиқиққа чиқа олишида!

Кимдир «Бошингга ташвиш тушса, бир амаллаб чидайсан, тақдир деб ўзингга таскин берасан, аммо, мақтовни ҳамма ҳам кўтаролмайди, уни кўтариш қийин» деган экан.

Мен Мирмуҳсин билан бирга ўқиган кезларимда, яъни 1939 — 40 йилларда шеър ва наср билан шуғулланувчи юздан ортиқ ҳаваскорлар, ҳатто республика газета-журналларида асарлари босилиб ўтурган ижодкорлар бор эди. Буларнинг орасида истеъдодли деб тан олинган, илк ижоди билан тенгқурлари орасида шуҳрат қозонганлари ҳам йўқ эмас эди. Буларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам ҳаёт. Аммо, булар орасида ижод машақкатига чидаб, шон-шуҳрат топиб, фақатгина республикамизда эмас, бутун иттифоқимизда ном чиқариб Мирмуҳсиндек устоз ёзувчи бўлиб қолганлари бармоқ билан санарли. Чунки айримлари мақтовларни кўтаришда ғўрлик қилиб, адабиёт пойгасига қайта қўшилишга ожизлик қилиб қолган бўлса, айримлари ижод узлуксиз меҳнат, ўрганиш, интилиш эканлигини хаёлдан қочириб қўйди.

Улуғ Алишер Навоийнинг:

Эмас осон бу
майдон ичра
турмоқ,
Низомий панжасига
панжа урмоқ...

дейиши, албатта, бежиз эмас. Буни Навоийнинг ожизлиги деб тушуниб бўлмайди. Ёзувчи ўз кучига қаноатлик ишонмасин, мақтовларга сазовор бўлмасин, ўз атрофидагиларга назар солиши, албатта, фақат ўз тенгқурларига эмас, ўзидан бир қадам олдин ижод қилган устозларнинг олган мақтовларини чамалаб кўриш, жаҳон адабиёти қолдирган меросларни бир нафас бўлса ҳам кўз олдига келтириб, ўзи қилаётган ишларига қиёслай олишни ҳам унутмаслиги керак. Айрим талантли ёшларнинг барвақт ижоддан чиқиб қолишлари сабаби ҳам ўзларидан бошқани кўролмасликларида эмасмикан?

Мирмуҳсин талаба чоғларидаёқ институтда ҳам, адабий жамоатчилик орасида ҳам ўз шеърлари, илк достонлари билан яхши шоир сифатида танилган эди. Айниқса урушдан кейинги йиллари, 25— 26 ёшларидаёқ «Уста Ғиёс» достони матбуотда эълон қилиниши билан фақат республикамиз доирасида эмас, иттифоқ адабий жамоатчилиги орасида катта обрўга эга бўлди. Қанча-қанча ижобий мақолалар босилди. Ўша йиллари Мирмуҳсин номи тилга олинмаган йиғинлар камдан-кам бўларди.

Мирмуҳсин мақтовларга ҳеч маҳал маҳлиё бўлиб қолмади. Унинг лаззатига бир кун ҳам берилиб, қаламини занглатишга йўл қўймади. «Уста Ғиёс»дан кейин дарҳол «Яшил қишлоқ», «Дўнан» каби қаторқатор достонларни, шеърий насрий асарларни ёзди.

Замона ҳаёти билан бир қаторда халқимизнинг бой тарихини қунт билан ўрганиб, «Умид», «Дегрез ўғли», «Меъмор» каби катта полотноларни яратиб насрчилигимизнинг меъморларидан бирига айлангани ҳам мана шунда! Булар Мирмуҳсин ҳақида ўйлаганларимнинг бир қисми. Энди Мирмуҳсиннинг ўзига айтадиган гапим ҳам бор:

Дўстим Мирмуҳсин, бугун сен ижодинг билан ҳукуматимиз, халқимиз ҳурматига сазовор бўлган отахон, йирик ёзувчиларимиздан бири бўлиб қолдинг. Албатта, сен «бироз ошириб юбординг» дейишинг мумкин, феъ.лингни биламан. Лекин бу энди тили чиққан болага берилган баҳо эмас. Бу қирқ йилдан ошиқ адабиётимиз ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшган, 60 ёшга тўлиб, соқолига оқ тушган, аммо ҳали қалбида ҳарорат тўла, нексе ёзувчимизнинг меҳнатига дўстона айтилган ҳақиқий тап!

60 ёшинг билан табриклайман!



МИРМУҲСИН

ҚАТРАЛАР

● Шоир илгари ҳам кўп бўлган, ҳозир ҳам кўп ва бундан кейин ҳам кўп бўлади. Лекин халқи дилидагини топиб куйлай олганлар ўлмайди.

● Юраги кир қаламкашнинг ҳаммани ҳаяжонга солувчи китоб ёзиб беришига ишониб бўлмайди. Бундай қаламкаш азада кўзига тупук суртиб йиғлаган хотинни эслатади.

● Бир шогирд устозидан дарс олардн-ю, устознинг рақибларн рўбарў бўлганда ҳамма вақт ўзини четга тортарди. Устоз таажжублана, лекин миқ этмасди. Бу шогирдни эчкиэмарга ўхшатиш мумкин; эчкиэмар чўпон ухлаганда говмушдан сут эмиб кетади.

Аммо устоз кейинчалик ўзининг яхши устоз эмаслигини пайқади—у шогирдининг юзини кўрибди-ю, юрагини кўра олмабди.

● Хийла ўзига бино қўйган, силлиқ бир шоир таржимонлик қилиб, буюк шоирни ўлдирди. Пулнинг кетига тушишнинг оқибати бу!

● Сичқон филга тикилиб туриб: Сен менинг узоқ аждодимсан, сен билан фахрланаман, деган экан...

● Ўз халқи — ватандоши дилига тушиб, унинг багрида машҳур бўлолмаган адибнинг Австралияда машҳур бўлишининг ҳеч аҳамияти йўқ.

● Бир адабий танқидчи «Широқ» достонимни ўқиб чиқиб, савол берди:

— Сиз эсдан чиқиб кетаётган, икки минг йил илгари бўлган қаҳрамонликни ёзиб нима демоқчисиз?

— Икки минг йилга етиб келган бу қаҳрамонлик яна икки минг йилга етиб боради, демоқчиман, — деб жавоб бердим.

Вера СМИРНОВА

МИРМУҲСИННИНГ «УМИД»И

Умид — кўнгилнинг эзгу истаги. Таниқли ўзбек ёзувчиси Мирмуҳсиннинг романида она оғир уруш йилларида туғилган ўғлини турмушда ўзига насиб этмаган бахтли онлар келгусида унинг ҳаётини тотли қилсин деган орзу-умид билан шундай атайди. Шунингдек, муаллиф ҳам асарини қаҳрамони оти билан «Умид» деб номлаган. Романнинг бундай номланиши тасодифий эмас, албатта, чунки у орқали ёзувчи ўз юртининг фахри, келажаги, комил ишончи бўлган замондошининг қиёфасини гавдалантириб берган.

Ўзбек совет адабиётида характерли бир хусусият бор. Ўзбек ёзувчиларининг ҳаммаси (ёки кўпчилиги) — шоирлар, адиблар, драматурглар — адабиётга шоир сифатида шеър билан кириб келганлар. Уларнинг адабий ёшлиги шеърият оламида ўз муҳрини топган ва насрга бўлган иштиёқни алангалатган.

Биз Мирмуҳсинни энг аввало шоир, сўнгра болаларга аталган шеърий китобларнинг муаллифи сифатида билардик. Эндиликда романист билан учрашдик. Асарда Ўзбекистонда сўнгги даврларда юз берган ўзгаришларнинг моҳияти бадиий акс эттирилган, шу боис уни ўқиганда республиканинг кейинги ўн йилликлардаги қиёфаси китобхон кўз ўнгида намоён бўлади. Тўғри, урушдан кейин вояга етган ҳозирги ўқувчи учун, айниқса, ёшлар учун бу ўзгаришлар ҳайратланарли ҳол эмас: бутун ҳаёт тарзи, турмуш, романда тасвир этилган инсоний муносабатлар совет мамлакатимиз умумий ҳаётининг олдиндан кўринишларидан бири бўлиб туюлиши мумкин.

Аммо, менга, 1903 йилдан 1926 йилгача Туркистонда яшаган, ниқилобнинг дастлабки йилларида ва бутун турмушни қайта қуриш даврида Ўрта Осиё республикаларидаги ҳаётни кўрган кишига айниқса, замонавий ёшлар психологиясида, уларнинг дунёқарашида, идеалларида, руҳий жиҳатдан баркамол бўлишларида юз берган бундай ўзгаришлар яққол сезилади. Шунинг учун ҳам мен Мирмуҳсиннинг романига, энг аввало, мамлакатимиз шарқида улуғ тарихий янгиланишлардан гувоҳлик берувчи асар сифатида қарайман, чунки унда ҳаммаси бўлиб ярим асрдан сал кўпроқ вақт илгари чориз.м мустамлакаси бўлган, бойликлари рус ва чет эл капиталистлари томонидан талон-торож қилинган ўлканинг бугунги беқиёс қиёфаси тасвирланган.

Мирмуҳсин насрда ҳам шоир, унинг кўпгина насрий асарлари дунёни шоирона идрок этишдан далолат беради. Шунингдек, реалистик муфассаллик аён кўринади. Асар қаҳрамонлари номига рамзий маъноларнинг юклаш ҳам адибнинг ўзига хос хусусияти. Романда айниқса, Умиднинг болалиги ҳақида ҳикоя қилувчи боб шоирона ёзилганлиги билан ажралиб туради. Умиднинг болалиги етимликда оғир кечади (отаси урушдан қайтгач салдан кейин онаси қазо қилади, кўп ўтмай отаси ҳам вафот этиб, у ўгай онанинг қўлида қолади, энг муҳими, онасининг мулойимгина меҳри товлаб эркалаганларини қаттиқ қўмсайди) хатто уйдан қочади. Лекин болалигиданоқ отасининг ҳарбий жасоратига садоқат билан яшаб, унинг орден ва медалларини муқаддас нарсаден эҳтиёт қилади.

Болалиги кечган урушдан сўнгги оғир даврнинг йўқчилик, ўгай онанинг ситамлари ҳаётга бўлган жўшқин интилишини, келажакка бўлган ишончини сўндира олмади. Муаллиф унинг ўсмирлиги ҳақида ҳеч нарса демайди, бироқ фақат армияга бориб у ерда боксёр бўлганлигини, ўзига талабчанлик қилиб интизомни ўрганганлигини ҳамда пишиқ ва бақувват бўлиб етишганлигини кўрамиз.

Лекин унинг характеридаги асосий фазилатлар болаларча ишонувчанлигида, одамларга нисбатан қизиқиб қарашнинг катталарга бўлган ҳурмат билан бирикиб кетишида (ҳеч қандай ҳушомадгўйлик ва лаганбардорликсиз), турмушда хушфеъл ҳамда камтарлигида воқе бўлади. Менинг назаримда Умид, шубҳасиз, ўзбек ёшларининг асосий қисмини ташқил қилувчи вакилларининг жозибали, типик хусусиятларини ўзида гавдалантирувчи характерли образ. Баъзан унинг ҳар хил хусусиятли одамлар билан ўта содда.лик билан мулоқат қилганини кўрамиз, бу унинг тажрибаси ёки фаҳми камлигидан эмас, балки қалбининг софлигидан, одамларга нисбатан катта ишончидан туғилади.

Романда унга ғоят замонавий ўзбек қизи қарама-карши қўйилган. Ҳафиза Умидга қараганда ҳеч нарсалан кам йўқ, маъмур, ақил оилада вояга етди, уни севишади, хатто эркалашади. Отаси — етук партия ходими ҳамиша унинг кўз ўнгида ибрат намунаси бўлиб гавдаланганлиги сабабли, уйларида доимо яхши, беназир ва ақилчиликдан иборат шоир муҳит вужудга келган эдики, бунинг оқибатида бе-бурдлик, алдамчилик, кўзбўямачилик, ҳасад, бировнинг кўнглини оғритиш, одамларни менсимаслик каби иллатлар Ҳафиза учун мутлақо бегона эди. Ҳафиза оқила, ҳазилкаш, шаддод қиз, унда ҳеч қандай димоғдорлик йўқ, у мустақилликка интилади, хатто жиндак ўзбошимча, ҳар бир ишга ўзича ёндашишни севади, лекин унинг тўғри сўзлиги ва самимийлиги баъзан ундаги ўзбошимча шаддодликни юмшатади, у Умидга бўлган муҳаббатида ҳам унга қараганда дангал, очиқ, адил ҳаракатда намоён бўлади.

Ҳар иккаласини ҳам ўзгаришда кўрамиз: Умид университетни тугатади. Ҳафиза эса мактабни битириб олий ўқув юртига киради. Умид селекционер бўлишни истайди, шу мақсадини рўёбга чиқариш ниятида ўз юртининг асосий бойлиги бўлган пахта селекцияси билан шуғулланадиган селекция институтига ишга киради. Пахтанинг сифатини яхшилаш учун олиб борилган кураш масаласи романнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этиб, у етакчи қаҳрамонлар ҳаракатининг моҳиятига сингдирилади. Умид пахтанинг бир неча янги навини яратган, таниқли селекционер, ёши анчага бориб қолган проффессор рахбарлигида иш бошлайди (аниқи — дастлабки пайтлар). Умид олдиндан орзу қилиб юрган бу соҳада унинг рахбарлигида ишлашдан зеркади.

Профессор Салимжон Обидий совет олими бўлса ҳам унинг ҳаёт тарзида эскича одатлар сақланиб қолган. У осон йўллардан юради, ғарб цивилизациясининг жозибасига берилиб, ҳатто уйини ҳам европача кўринишда безаган. Чет элга килган сафари вақтида хотини ва қизига кўплаб қимматбаҳо нарсалар ҳарид қилади. Ўз маслакдошларини тўкин стол устида қандай қабул қилишни билади. Лекин уни ўраб турган атрофга диққат билан назар ташласак, кўз ўнгимизга хар хил кўринишдаги янги бойлар намоён бўлади. Уйдагию, ҳовлидагилар қолаверса, қариндошларининг ҳаммаси бойнинг кўргонидагидек Обидийнинг хизматида: акаси савдо тармоғида ишлаб уни керакли маҳсулотлар билан таъминлайди, қайси бир қариндоши ҳовлисинг иши билан банд, ҳатто «шофёри» ҳам «узоқ қариндошлари»дан бири. Лекин булар ҳеч нарса эмас, у ўзи раҳбар бўлган аспирантга иши учун мавзу танлаб уни тезроқ ниҳоясига етказишга ўзига хос йўллар билан «хизмат қилади».

Умид, албатта, аспирантура даврида ишини рўёбга чиқариши керак, шу боис у Обидийни ҳурмат қилади, унинг топшириқларини қунт билан бажаришга интилади, кўп билиш йўлларини қидиради, қадимда ўтган ва замондош бўлган буюк олимларнинг китобларини тинмай ўқийди. Илмий рахбари билан яқинлашиб хатто тезда унинг уйидаги бир кишига айланади, профессорнинг қизи жажжигина, енгилтак Жанна (Жаннатнинг ўзгаргани) Умидни ёқтириб қолади, уни енгилгина айлантириб турмушга чиқади. Энди Умид профессорга бутунлай тобе бўлади. Лекин Умид аста-секин ўз раҳбарининг сирларини «пайқайди», унинг янги кузатишлар қилмаслигини, хатто бошқа олимларнинг изланишларига ҳам ғайирлик билан қарашини сезади. Бунга айниқса, Умид пахта далаларида тажрибали кекса пахтакор Қўшчи бобо билан қилган суҳбатидан кейин яна бир карра ишонади.

Умидга муваффақиятлар бирданига келавермайди, қайсики Ҳафиза билан бўлган бахтли муҳаббати қайтмагандек. Мирмуҳсин бундай енгил «бахтли» ниҳояни хоҳламайди. Умид ҳали узоқ яшаб, кўп ишларни амалга ошириши керак, ўзи орзу қилган ҳаётнинг ишончли йўлларида одим ташлаши учун...

Мирмуҳсиннинг романи на фақат муаллифнинг, балки ўзбек адабиётининг муваффақияти экани шубҳасиз. Роман марказида ҳаракат қилган икки образ, икки характернинг руҳий олами ҳаққоний ва шоирона тасвирланган.

Юрт қиёфаси, кундан-кун ранг очиб бораётган, бебаҳо бойликлар манбаи бўлган замин манзаралари, халқнинг қудрати, кекса аёлнинг меҳрибон чеҳраси, салбий образларнинг ҳулқ-атворлари, студентлар муҳити ва қишлоқдаги пахтакорлар ҳаёти, селекционерларнинг, Фарғонада ўтган съезди, Ўзбекистонда партия ва илмий кадрларнинг қай даражада ўсганлиги шоир ва санъаткорнинг ўткир нигоҳи билан пухта кузатилган, буларнинг хаммаси шу кунинг қайноқ нафаси уфуриб турган романнинг қат-қатига сиғиб кетган.

АДИБ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАР

Мирмуҳсин ватан тупроғини таранум этади. У замнини: «Онамиз, қисматимиз, тақдиримиз ва ишимиз», деб атайди. Замин ҳам бу муҳаббатга муҳаббат билан жавоб беради.

Николай ТИХОНОВ.

* * *

...Суянгудай тоғларим бор деб қувонаман. Давоми бор, деб қалбимга тасалли бераман. Шу соғлом ижодий пледанинг пўлат занжирдай мустаҳкам силсиласида бир қўзанак бўлиб шоир Мирмуҳсин турадн.

Ғафур ҒУЛОМ.

* * *

Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс» достони ўзбек совет поэзиясининг талантли асарларидан биридир.

ОЙБЕК.

* * *

Мирмуҳсин ҳозирги замон ўзбек адабиётида кўзга кўринарли ўрин эгаллайди, ҳақли равишда унинг олдинги сафдаги илғор вакилларидан бири ҳисобланади. У дунёни ўзича кўради, ўзига хос услубга эга бўлган бетакрор хати бор.

УИҒУН.

* * *

Бу ҳикояни («Дарбозлар») ўқиб ичикканимдан кейин, гапнинг тўғриси, Мирмуҳсинга ҳавасим келди. Унда мен халқ турмушнинг бир бутун картинасини кўрдим, чолнинг оғир ташвишига гувоҳ бўлдим...

«Дарбозлар» — чиракам, маманам деган ҳикоя!

Георгий ГУЛИА.

* * *

Мирмуҳсинни акварель бўёқлар билан лавҳалар чизиб берилган шоир сифатида кўриш менга жуда ёқади. Бу лавҳалар бизга узумзорлари, кумуш булоқлари, қуёш ҳаратнинг тўлиқ сахий қалби билан кишиларга қучоқ очувчи Ўзбекистон манзараларини акс эттиради.

Сергей СМИРНОВ.

* * *

...Мана неча-неча йиллардирки, ҳар масалада замон, партия ва халқимизнинг бадиий талабларига ҳозиржавоб бўлиб келаётган атоқли ёзувчимиз Мирмуҳсин яқинда адабиётимизга яна янги мавзу, янги образлар, янги бадиият намунаси, хуллас, янги ажойиб асар олиб келди... У, («Меъмор») кўп шахобчали, мураккаб сюжетли, ўткир конфликтли, умуман, аксар жиҳатдан серқиррали ва ранг-баранг монументал асардир, ниҳоят даражада мураккаб ва даҳшатли йилларни ўз ичига олган бутун бир даврнинг бадиий қомусидир, ундаги моддий ва маънавий бойликлар яратган ва ҳоким зулмга қарши курашган халқ оммасининг эпопеясидир.

Воҳид ЗОҲИДОВ.

* * *

Мирмуҳсининг шеърлари мени жуда қувонтиради. Унинг янги китоби («Лирик мисралар») ўзбек поэзиясидаги дадил, янги изланишлардан, шоирнинг диапазони кенглигидан дарак беради. Бу жуда ҳам муҳимдир.

Вацис РЕЙМЕРИС.

Мирмуҳсин совет адибларининг қатор анжуманларида иштирок этган.
СУРАТДА: ана шундай анжуманлардан бири даги учрашув акс этган. Мирмуҳсин Туроб Тўла, Ҳамид Ғулом ва таниқли Озарбайжон адиби Мирза Иброҳимов билан сухбат пайтида.

С. Маҳкамов фотолари.

Вера ИНБЕР

МУНОСИБ ТУҲФА

Ёш ёзувчиларнинг Москвада 1947 йилда бўлиб ўтган биринчи Бутуниттифоқ семинари қатнашчилари сафида ёш ўзбек шоири Мирмуҳсин ҳам бор эди. Унинг «Вафо» сингари илк шеърий тўпламларидаёқ китобхонлар эътиборини тортган. «Уста Ғиёс» поэмаси эса ёш шоир ижодининг имконият доираси кўп нарсаларга қодир эканлигини намойиш қилди. Поэмада совет воқелиги қалбдан чуқур ҳис этилиб реал ва ҳаққоний ифодаланган. Шоирнинг табиий манбаларни чуқур идрок этиши бунда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Асосан таржиман ҳолнинг чизгилари кўп ёрдам берган. Шу билан бирга ёшликдан меҳнатда пишган оилада ўсиш, ўзбек адабиётини пухта билиш, институт даргоҳидан олинган илм, кундалик турмушда ҳар хил тоифадаги одамлар билан бўладиган мулоқотлар асқотганки, натижада замондошимиз дунёқарашида содир бўлган янги қирраларни ўзида мужассам этган образнинг ёрқин қиёфаси тавдалантиридган асар майдонга келган.

Рус китобхонлари ҳукмига ҳавола этилаётган мазкур тўплам муаллифнинг кейинги йилларда ёзган асарларидан тузилган. Унга шоирнинг дастлабки шеърларидан намуналар киритилмаганининг маълум маъноси бор. Бу ерда, сўзсиз, шоир Мирмуҳсиндан редактор Мирмуҳсиннинг талабчанлиги устун келган. Буни ҳатто «Уста Ғиёс» поэмаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунки асарнинг 1947 йилдаги илк нусхасини шоир кейинги йилларда жиддий қайта ишлаб, янги деталлар билан бойитди. Пахтанинг янги навига бағишланган боби ва «Хулоса» қисми поэма аҳамиятининг миқёсини кенгайтирди. Асарнинг «Хулоса»сида биз кекса пахтакор Ғиёсни тинчлик тарафдорларининг Бутуниттифоқ конференцияси делегати сифатида учратамиз.

Қисқаси, Мирмуҳсиннинг бу поэмаси ҳар қанча тўхталиб, кенг таҳлил қилса арзийдиган асар. Тўпламнинг каттагина қисмини ташкил этган «Лирика» бўлимига кирган асарлар ҳақида фикр юритишни ҳам ният қилганимиз учун «Уста Ғиёс» ҳақидаги гапимизни қисқа қила қолдик.

Гражданин шоирнинг совет мамлакатига, беғоён Ватанига нисбатан чексиз меҳр-муҳаббати шеърларнинг асосий моҳиятини ташкил этиб, бу туйғу самимий лиризм билан уйғунликда ўзгача пафосда ифодаланган...

Она юрти Ўзбекистон ва унинг ажойиб кишилари амалга ошираётган ишлар, ҳамда уларга тинчлик бермаётган ташвишлар ҳақида аниқ деталлар воситасида ҳароратли шеърий лавҳалар яратади...

Шоир билан бирликда колхоз мажлисида иштирок этамиз ва «фахрли ўрин» — колхоз раислигига камбағал темирчи Уста Ғиёс сайланганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўзининг ёшликдаги ғўзаллиги-ю, ҳусни тароватини эндиликда меҳнат туфайли янада оширган машҳур пахтакор Тожихонни яхши кўриб қоламиз. Қачонки, инсон ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилар экан, у ҳеч қачон қариш нималигини билмайди... Ҳалол қилинган меҳнатни бўямасдан кўрсатиш ва уни шарофатли якунланганларини ўйларини ифодалаш Мирмуҳсин шеъриятига хос бўлган характерли шеърий усулдир.

Канал қазувчи, агроном, зоотехник, селекциячи, пахта терувчи — булар шоир китобига кирган шеърларнинг мисралари орқали сўзлаб туради.

Кўз илғамас узоқдаги Ўзбекистон боғларининг, пахта далаларининг «шивир-шивир»идан, у ерларда бунёд этилаётган колхозларнинг истиқболларидан огоҳ этади шоир шеърлари бизни...

Тўпламнинг иккинчи бўлимида уч поэма — «Дўнан», «Яшил қишлоқ» ва «Уста Ғиёс» (бу ҳақда юқорида тўхталган эдик) берилган.

«Яшил қишлоқ» қизиқарли поэма. Унда қаҳроқ бир жойда инсон меҳнати туфайли гуллаган маскан яратилиши балиий шеърий лавҳаларда тасвир этилган... Тўғри колхозчи Умрзоқнинг қишлоқ қурувчиларининг сардорига айланиши осонликча юз бергани йўқ. Лекин унга, эҳтиёжи ҳолларга дуч келганида уруш даврида фронтда кечирган хотиралари руҳлантириб, ёрдамга келгани аниқ. Днепрни кечиб ўтиш жараёнида бўлган жанг хотирига келади. Ўшанда чўлдагига нисбатан анча оғир бўлган эди, албатта...

Коммунистнинг иродаси ҳар қандай қийинчиликни енгишга қодир. Чўлда яшил қишлоқ пайдо этилади. Уни ҳар томондан далалар ва боғлар қуршаб олган.

«Уста Ғиёс» поэмаси Мирмуҳсиннинг бақувват асарларидан. Поэмада моҳир пахтакор Ғиёс ва унинг қишлоқдошларининг орзу-ўйлари, турмуш тарзлари ёш юракнинг тўқинли эҳтиросларига йўғрилган ҳолда ишончли чизилган...

Ёркин ғиссиётлар билан ёзилган «Ленин колхозда» боби асардаги асосий мақсаднинг ифодасидек туюлади. Унда уста Ғиёс Ленинни экранда кўриб, доҳийга муроҳаат қилади. Бу манзара шу қадар табиий тасвир этилганки, оқибатда асарнинг ишонч кучини оширган...

Талантли ўзбек шоири Мирмуҳсиннинг ҳаққоний, самимий, равон фикрлари ўз ифодасини топган асарларидан жам этилган «Фарғона баҳори» тўплами рус ўқувчиларига муносиб туҳфа бўлиб, уларни хурсанд қилишига ишончимиз комил.

1951.
Москва.

ҚУТЛОВ

Салом, қалам соҳиби,
Марҳабо, азиз меҳмон!
Олтмиш умр баҳорин
Қутлар беҳад китобхон.

Сиз «Умид»ли санъаткор,
«Уста Ғиёс»дай моҳир.
Оддий кулол фарзанди,
Муҳаррир, етук шоир.

«Низомий» бўстонидан
Илм гулини тергансиз.

Сўз дурларини сочиб,
Дилга ором бергансиз.

Шеъру достонларингиз,
Китобхон халққа манзур.
Барча қардош тилларда,
Назму насрингиз машҳур.

Чўлга сардоба қурган,
«Меъмор»ингиз баркамол.
Ижодкор халқ яратган,
Санъатга йўқдир завол!

«Дегрез ўғли» сингари,
«Чоғқол йўлбарси» мағрур.
Бунёдкор ишчи синфин
Камоли айлар масрур.

Етук ижод боғида,
Илдизлар яproқ очди.
Мўл пахта ҳосили деб,
Сўз дурларини сочди.

«Чодралиқ аёл»лар
Қурашин сўйлагансиз.
Савр инқилобин қилган
Эл бахтин куйлагансиз!

Бахтиёр ёш авлодга,
Талай шеъру қиссангиз.
Кичкинатойларнинг улкан
Назмига чўнг ҳиссангиз.

Таржима санъатига
Бахш этиб ҳусн, тароват,
Дилларга жо этгансиз,
Жўшқин меҳру муҳаббат.

«Халқлар дўстлиги» порлар,
Мусаффо қалбда ҳар он.
Қутлуғ «Халқ ёзувчиси» —
Муборак Фахрий унвон.

Ҳаким ҲОМИДИЙ.

Ёзувчи ва шоирлар тўпланган жойда ҳамиша қизғин суҳбат авж олади, шодон қаҳқаҳа янграйди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 ЮШКЕНТ
бет ОКШОМИ

13 МАЙ, 1981 й.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/V да **Келинлар қўзғолони**, 15/V да **Кузнинг биринчи куни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/V да **Тошкентнинг нозанин малинаси**, 14/V да **Ужарлар**, 15/V да **Дилафрузга тўрт ошиқ.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 13/V да Янги программа. КУЛГИ КЕЧАСИ.

КИНО

13 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«УЗОҚ, ЯҚИН ОСМОН» — **Восток.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (2—3-сон) — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (4—5-сон) — **Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУЮК ИШЛАР БУСАҒАСИДА» — **К. Ерматов номли** (17, 18, 20, 21.00 да, телефон 24-22-66), **Искра** (17, 20.00 да, телефон 39-14-59).

«ЕНИНГДА ҚОЛИШИМНИ ИСТАСАНГ» — **Ғ. Ғулом номли** (18, 20.00).

14 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (4—5-сон) — **Қозоғистон.**

«ФИТИЛЬ» № 219» — **Искра.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (2, 3-сон) — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ҚОНУН» — **Москва.**

«ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ» — **Дружба.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУЮК ИШЛАР БУСАҒАСИДА» — **Искра** (17, 20.00 да, телефон 39-14-59).

«ОМАД УЧУН КИМ ЖАВОБГАР» — **К. Ерматов номли** (11, 13, 14, 15, 16, 17, 19, 20, 21.00).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«БУЮК ИШЛАР БУСАҒАСИДА»

НОМЛИ 2 СЕРИЯЛИ ЯНГИ РАНГЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ

ЧИҚАРДИ

Алексей Толстойнинг «ПЕТР БИРИНЧИ» романи асосида. Постановкачи режиссёр — Сергей ГЕРАСИМОВ.

Сценарий авторлари — Сергей ГЕРАСИМОВ, Юрий КАВТАРАДЗЕ.

Ролларни ижро этувчилар: Петр — Дмитрий ЗОЛОТУХИН, Наталья Кирилловна — Тамара МАКАРОВА, Малика Софья — Наталья БОНДАРЧУК ва бошқалар.

Петрнинг ёшлиги онаси, Малика Наталья Кирилловна вафот этган ғуссали кундаёқ тамом бўлди. У шу куни ўзини ҳақиқатда ҳам ёлғиз ҳис этди. Ёш шаҳзоданинг ғам-ғусса чекиши учун вақт йўқ эди. Олдинда катта ишлар турибди: Россия очиқ денгизга чиқолмай ташқи мамлакатлар савдогарлари билан савдода катта зарар кўрарди. Ғарбда шведлар, жанубда эса, турклар, татарлар ҳукмрон. Россия ҳамон Қрим хонига шармандали бож тўлаб келмоқда. Ниҳоят, туркларнинг Азов қалъасини қўлга киритиш керак, деган қарорга келинди. Пётр Биринчи ёшлик чоғида тузган кичик қўшиндан сараланган доимий полк Азов бўйи чўлларига юборилади. Петрнинг биринчи ҳарбий юриши фойдасиз тугайди. Азовни денгиз орқали олиш кераклиги аниқ бўлди. Москвада бир оз бўлган Петр Воронежга жўнайди.

Бу ерга Россиянинг ҳамма бурчакларидан ишчи кучлари ва маҳоратли усталар келтирилади. Баҳорда флот тузиб бўлинади, май ойида Петр тушган «Принципиум» галлереяси бошчилигидаги флот Азов яқинида пайдо бўлади. Иккинчи юриш муваффарона бўлади. Петр Москвага голиб бўлиб қайтади.

Бутун Европа ҳаяжонда. Рус подшоси ҳар қандай шуқуҳлик ва уйдирмасиз, оддий сайёҳдек Европа шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилиб юрибди. У худди ёввойи кишилар каби тикилиб қарайди, ҳамма нарсани кўриб билмоқда. Устахоналарда иш ўрганиб, мастеровойлар билан иноқ бўлмоқда.

Москвада безовталик. Бу ерда подшо абадийга денгизга кетган, деган уйдирма тарқалади. Новодевичье монастирида Софья тунлари бедор — уйқусиз, хат ёзади, ўқчиларни исёнга ундайди. Яна исён бошланади.

Қора денгиз тўлқинларида «Крепость» кемаси сузиб бормоқда. Рус элчилари турк султони ҳузурига сулҳга кетишяпти. Улар қудратли ҳукмронлар ҳузурига бирон-бир илтимос ёки сўров билан боришаётгани йўқ, балки Россия балоғатга етди, энди бутун жаҳон у билан ҳисоблашиши керак. «Крепость» елканлари денгиз узра ғира-шира кўзга ташланади...

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ КИНОСТУДИЯ ВА «ДЕФА» (ГДР) КИНОСТУДИЯЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети

31-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Билим юртига 15, 16, 17 ёшдаги ва Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитлар қабул қилинади.

Билим юрти темир йўл транспортида ишлаш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайди: тепловоз машинисти. Ўқиш муддати 2 йил (фақат Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар қабул қилинади), стипендия ойига 72 сўм: ҳаракатдаги тепловоз состави ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати— 1 йил. Стипендия 30 сўм. Маълумоти 10 синф ҳажмида бўлиши керак.

8-синф ҳажмида маълумотлилар: тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, ҳаракатдаги тепловоз состави ремонти бўйича слесарь, электровознинг электр қисми ремонти бўйича слесарь-электрик, токарь-револьвершчик, электр-газ пайвандчи. Ўқиш муддати 3 йил.

Таълимнинг 3 йиллик муддатини битирган ўқувчилар ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва мутахассисликни эгаллайдилар.

Билим юртини «аъло» баҳода битирганларга олий ўқув юртларига имтиёзли шароитда кириш ҳуқуқи тавсия қилинади.

3 йиллик ўқиш муддатига кирган ўқувчилар билим юртини битирганларидан кейин Совет Армияси сафларида бир йил муддатга хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ишчилари фойдаланадиган барча имтиёзлардан, шу жумладан Совет Иттифоқининг истаган пунктига етиб бориш учун бепул билет олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (асли), маълумоти тўғрисида ҳужжат, справкалар: турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан характеристика, ариза, автобиография, 8 та фотосурат (3х4 см.), мактабдан медицина картаси (ёки прививка қилинганлиги ҳақида справка).

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри— 74, Ҳамза райони, Слоним кўчаси (15, 23, 61-автобусларнинг «Самарқанд кўчаси» бекати, 8, 21, 48, 80 «э»-автобусларнинг «Котельная» бекати). Маълумотлар олиш учун телефон 96-34-90.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ УЧУВЧИЛИК ВА АВИАЦИЯ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ, САЛОМАТЛИГИ ТАНЛАГАН МУТАХАССИСЛИГИГА ЯРОҚЛИ КИШИЛАР, УЧУВЧИ, ШТУРМАН ИХТИСОСЛИГИГА 17 ЕШДАН 22 ЕШГАЧА, ҚОЛГАН ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЭСА 25 ЕШГАЧА БЎЛГАН СССР ГРАЖДАНЛАРИ (эркаклар) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти қуйидаги касб эгаларини тайёрлаб чиқаради: учувчилар, штурманлар, самолётлар ҳаракати бошқармасининг диспетчерлари, самолётлар эксплуатацияси ва двигателлари бўйича техниклар, радио ускуналари, самолётлар асбоблари ва электр ускуналари, ёқилғи-мойлаш материаллари, самолёт бошқаришнинг ердаги радио воситаларидан фойдаланиш бўйича техниклар, учишларни таъминлашнинг нурли техника воситалари, техник эксплуатация бўйича электрчилар, йўловчилар ташиш ва коммерция ишлари эксплуатацияси ходимлари.

ЎҚИШ МУДДАТИ 2 ИЛЛУ 9 ОЙГАЧА.

АРИЗАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР ВА МЕДИЦИНА ГУВОҲНОМАЛАРИ ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Тошкент шаҳрида —167-алоқа бўлими, аэропорт, қабул комиссияси. Телефон 99-83-17. Ҳужжатлар 1 июндан 25 июлгача қабул қилинади.

Қорақалпоғистон АССРда ва Хоразм областида яшовчилар ҳужжатларини топшириш учун қуйидаги адресга мурожаат этишлари мумкин.

Нукус шаҳри, аэропорт, кадрлар бўлими. Медицина гувоҳномалари 1981 йил 20 июндан 10 июлгача қабул қилинади;

Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё областларида яшовчилар учун: Самарқанд шаҳри, аэропорт, кадрлар бўлими. Медицина гувоҳномалари 20 июндан 10 июлгача қабул қилинади.

Техника ихтисослиги ва самолёт ҳаракатини бошқариш бўйича кириш имтиҳонлари Нукус шаҳрида 5 июлдан 11 июлгача, Самарқанд шаҳрида 13 июлдан 18 июлгача, Тошкент шаҳрида барча ихтисосликлар бўйича 20 июлдан 10 августгача.

Граждан авиациясининг билим юртига кириш иштиёқида бўлганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: ариза, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), иш жойидан характеристика (ишлаб чиқариш стажи бўлган кишилар учун) меҳнат дафтарчасидан кўчирма (камида 2 йил меҳнат стажи бор бўлган кишилар учун), 6 та фотосурат (3х4 см), медицина справкаси (286-форма, учувчилик, штурманлик ва самолёт ҳаракати бошқармаси бўйича диспетчерлик ихтисослигига кирувчи кишилар психоневрологик диспансердан справка ва бурун бўшлиғи ҳақида рентгенолог хулосаси ёзилган рентген суратини тақдим этишлари лозим).

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисида ҳужжати қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битирган кишиларнинг аризалари граждан авиациясининг билим юртига қабул қилинмайди.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: **математика** (оғзаки), **рус тили ва адабиёти** (иншо), **миллий мактабда рус тилини ўрганганлар иншо ўрнига диктант ёзишлари мумкин.**

Граждан авиацияси билим юртининг курсантлари тўла давлат таъминотида бўладилар: уларга ётоқхонадан бепул жой, овқат, кийим-бош берилади ва ойига 9 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Билим юртига келиб-кетиш ва кириш билан боғлиқ бўлган йўл ҳаражатлари кирувчининг зиммасига юкланади.

Маълумотлар олиш учун қабул комиссиясига, шунингдек аэропортлардаги кадрлар бўлимларига учрашилсин.

АКТЮБИНСК ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ОЛИЙ УЧУВЧИЛАР БИЛИМ ЮРТИГА

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ, САЛОМАТЛИГИ, ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ УЧИШ ИШЛАРИГА ЯРОҚЛИ БЎЛГАН 22 ЕШГАЧА БЎЛГАН ЭРКАКЛАР (1 сентябргача бўлган маълумот) ИНЖЕНЕР-УЧУВЧИЛАР ИХТИСОСЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртига киришни хоҳловчилар почта орқали, қийматли хат орқали ёки шахсан ариза, аттестат (асли), иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат стажи бор бўлганлар учун), 6 та фотосурат (3х4 см.), руҳий-нерв касалликлари диспансеридан справка ва бурун бўшлиғи ҳақида рентгенолог хулосаси ёзилган рентген суратини тақдим қиладилар.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР ВА МЕДИЦИНА ГУВОҲНОМАЛАРИ 20 ИЮНДАН 25 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: 700167, Тошкент шаҳри, 167-алоқа бўлими, аэропорт.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА: **математикадан** (ёзма ва оғзаки), **физика, рус тили ва адабиётидан** (ёзма) **ўтказилади.**

Курсантлар тўла давлат таъминотида бўладилар. Уларга ётоқхонадан бепул жой, овқат, ойига 12 сўм стипендия ва формали кийим-бош берилади.

АКТЮБИНСК ОЛИЙ УЧУВЧИЛАР БИЛИМ ЮРТИНИНГ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҚУЙИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ҲАМ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

граждан авиацияси академиясига самолётлар ҳаракатини бошқариш бўйича инженер ихтисослигига 25 ёшгача бўлган йигитлар;

— граждан авиациясининг Кировградск олий учиш билим юртига инженер-штурман ихтисослигига 23 ёшгача бўлган йигитлар.

Ўқишга кирувчилар учун Актюбинск олий учиш билим юртига кирувчилар билан бир хил талаблар қўйилади.

Маълумотлар олиш учун аэропортларнинг кадрлар бўлимларига мурожаат этилсин.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ ВА 9-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти базасида ташкил этилган

БИЛИМ ЮРТИНИНГ ФИЛИАЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти филиали замонавий ускуналарга эга.

ФИЛИАЛ САТР ҚУЙИШ МАШИНАСИ НАБОРЧИЛАРИ, ҚЎЛДА ҲАРФ ТЕРУВЧИЛАР, ОФСЕТ ВА БОТИҚ БОСМА ПЕЧАТНИКЛАРИ, МУҚОВАЛАШ-БРОШЮРАЛАШ МАШИНАЛАРИ МАШИНИСТЛАРИ ВА БОШҚА ПОЛИГРАФИЯ КАСБЛАРИ ЭГАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқишга ўрта маълумотли йигит-қизлар қабул қилинадилар.

Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқиш даври узлуксиз ишлаб чиқариш стажига қўшиб ҳисобланади.

БОШҚА ШАҲАРЛИКЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР МАЙ ОЙИДА БОШЛАНАДИ.

Билим юрти филиалининг адреси: Тошкент шаҳри, Ленин райони, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими (1 «з», 18, 57-автобус, 1, 3, 7, 8, 10, 11, 13, 22, 25-трамвайларнинг «Цум» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси

228-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

Бўёқчилар, қурувчи-дурадгорлар, паркетчилар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарлар, электромонтёрлар, слесарь-ремонтчилар, слесарь-сантехниклар, токарлар, мастер ёрдамчилари.

Ўқиш муддати 1— 3 йил.

Билим юртига 8— 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош билан таъминланадилар.

Бир йиллик группаларга қабул қилинган ўқувчилар 70 сўм стипендия оладилар.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см.), ариза.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри— 19, Собир Раҳимов район, Собир Раҳимов кўчаси, 313-уй (2 ва 7-троллейбусларнинг «Красноармейская» бекати).

ХОЛОДИЛЬНИК, КИР ЮВИШ МАШИНАСИ

РЎЗГОР УЧУН ЗАРУР БУЮМ.
БУЛАР МЕҲНАТНИ ЕНГИЛЛАШТИРАДИ, ВАҚТНИ ТЕЖАЙДИ.

Бугунги кунда қайси бир хонадоннинг ошхонасида холодильник турган бўлмасин, мўрчада кир ювиш машинаси ишлаб туради.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

7-«Электр товарлари» магазинидан Сиз «МОРОЗКО—3М», «САРАТОВ», «САМАРҚАНД», «ПОМИР—4», «ДОНБАСС», «ОРСК —7», «СВИЯГА —2», «БИРЮСА—3» холодильникларини харид қилишларингиз мумкин.

«МОРОЗКО—3М» — мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энг кичик ҳажмдаги холодильник. Сиғимининг (580х420х450 мм.) ихчамлиги ва музлатиш камерасининг (30 литр) ҳажмига қарамай, «Морозко» техник маълумотларига кўра ўзининг бирмунча чидамли замондошларидан қолишмайди.

Оила аъзолари кам бўлган хонадонда «Помир—4», «Саратов», «Свияга—2» жуда қўл келади. Бу холодильникларнинг сиғими бундай оилаларга етарли, ўнча кўп жойни эгалламайди, хоналарга ярашиқли, ишлатишда чидамли, электр энергияси кам сарфланади.

Лекин «Бирюса—3» —мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энг тежамли холодильниклардан бири ҳисобланади. «Бирюса» бир кеча-кундузда бор-йўғи 0,8 квт. электр энергияси сарфлайди.

«Волжанка» кир ювиш машинаси бир галнинг ўзида 1,5 килограммга яқин кир ювади. «Волжанка»га реле ўрнатилганлиги унинг ишлаш пайтида уй бекасини ҳозирги туришдан ҳоли қилади. Матолар ва уларнинг қай даражада кир ўлганлигидан қатъи назар, ювилишида вақтни белгилаб қўйиш мумкин.

Химия рўзғордаги ҳамма ишларда аллақачонок содиқ ёрдамчи бўлиб қолди. Кир ювишда, уйларни ингиштиришда доимо кир ювиш воситаларидан фойдаланамиз.

Шунинг учун уй бекаларига қуйидаги синтетик ва суюқ кир ювиш воситаларини тавсия этамиз: «Мечта», «Био», «Ландиш», «Восточная», «Каштан», «Нитхинол».

«Био» биологик қўшимчаси бўлган синтетик паста кирни жуда яхши тозалайди. Унга сут доғими, пиёздоғми, тухум доғими, писанд эмас. Олдинроқ «Био» пастаси аралашмасига намланган кийимларни бир неча дақиқада тоза ювиш мумкин.

«Каштан» деб аталган суюқ ювиш воситасига махсус оҳор қўшилган бўлиб, у кийимни ялтиратади. «Тўр, гипюр, дераза парда, ипак матоларни ювишда «Каштан»дан фойдаланишни тавсия этамиз.

«Мечта» пастасидан ип-газлама ва каноп матоларни ювишда фойдаланган маъқул. Пастанинг таркибида оҳорли ва дезинфекция қилувчи моддалар бор.

«Восточная», «Универсальная», «Пермоксоль» пасталари идиш-товоқларни, ваннани, раковина ва кошинларни ювишда энг яхши восита ҳисобланади.

«Жемчуг» — сопол, керамика, пластмасса, мойли ва эмаль бўёқларни, сунъий чармдан тайёрланган буюмларни ювишда ажойиб восита ҳисобланади.

Сиз магазинлардан, шунингдек қандиллар, торшерлар, стол лампалари, эмалланган кастрюллар, алюминий ва зирҳли идишларни, шиша буюмларни харид қилишингиз мумкин.

«ЭЛЕКТР ТОВАРЛАРИ» МАГАЗИНИ — Госпиталь бозорида жойлашган (8, 9, 10, 24-трамвайлар; 2, 3, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

Иш соатлари— 8.00 дан 19.00 гача. Танаффус 14.00 дан 15.00 гача.

Магазин дам олиш кунисиз ишлайди.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

13 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.00 Руминия Социалистик Республикасида хизмат кўрсатган артист Штефан Руха чалади. 17.55 «Горнчилар, қаердасиз?».

18.25 «Бауманликлар». Бауман номли Москва олий техника билим юрти ҳақида телевизион очерк. 18.55 «Пучуқлар». «Книппаси» болалар вокал ансамбли иштирокида телевизион фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун. 20.00 Л. Сидельников. «Фортепьяно ва рус халқ чолғу оркестрлари ижроси учун русча концерт». 20.20 «Узунқулоқлар, қисқа қафталар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программалари. IV Халқаро фестивалининг очилишига бағишланади. 23.45 «Дунё воқеалари». 24.00 Жаҳон велосипед пойгаси. ЧССРдан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Наседкин чалади. 21.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». Дастлабки учрашувлар». Мультфильм. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бийича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва)— «Пахтакор (Тошкент). «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Алдаркуса, айиқ ва қўён». Кўғирчоқ фильм. 18.30 «Ёш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 19.00 «Афғонистон курашмоқда, Афғонистон талаба қозонади». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 КПСС XXVI съезди қарорлари асосида фанни ривожлантиришнинг актуал проблемалари». СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистондаги сайёр сессияси. 20.30 «Ахборот». 20.50 ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН. «Менинг дугонам Зебо». Фильм-концерт. 21.20 «Пилла — бойлигимиз». 21.30 Москва. «Время». 22.05 Футбол бийича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Пахтакор». «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботини таъминлаш». 19.10 «Авача қаерда жойлашган». Телефильм. 19.30 Янгийўл райони даги «Коммунизм» колхозининг чорвадорлари — социалистик мусобақа ташаббускорлари. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Эстетика асослари. «Коммунизм қуриш даврида эстетик маданиятни ривожлантириш» (рус.). 20.50 «Одам бошига бало». Алкоголизмнинг зарари ҳақида телефильм.

14 МАЙ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.25 «Миллионлар ленинча университети». Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қардошлик алоқаларининг мустаҳкамланиши ҳақида. Кўрсатувни ТАССнинг сиёсий шарҳловчиси С. Ф. Кулик олиб боради. 19.00 «Солдат эртаги». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Гнеснилар номли музика-педагогика институти педагоглари ва битирувчиларининг концерти. 20.00 Футбол бийича кубок эгаларининг кубоги учун. «Динамо» (Тбилиси) — «Карл Цейсс» (ГДР). Дюссельдорфдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Останкино концерт студиясида СССР халқ артисти С. В. Образцова кечаси. 23.50 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Пионерларнинг «Дружба» тўгаракларидан. Енгил атлетика. «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. (ёзиб олинган) 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз ишчи бўламиз». 19.15 «Темир йўл: хавфли зона» (рус.). 19.30 Ахборот (рус.). 19.45 «Ўзбекистон санъат усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ўзбекистон санъат усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.35 «Қирол ҳомийлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Кнопка» (рус.). 19.10 Абитуриентлар учун. Она тили. 19.40 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Волга сувенири». Музикали телефильм. 20.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 21.30 Телевизион новеллалар театри. «Икки новелла».

Тошкент маданий-оқартув техникуми томонидан **Холхўжаев Мансур** номига берилган 750288 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамда физика факультети коллективи умумий физика кафедрасининг доценти С. Азизова отаси

Азиз ШОҚАМОЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)— орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши— 32-53-66, саноат—32-53-83, қурилиш— 32-58-85, шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот—33-28-93; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари—32-55-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари—33-90-50.

13 МАЙ, 1981 й. Р—07132. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. Р—2123.